

ЎТКИР ИЧАК ИНФЕКЦИЯЛАРИНГ ЭПИДЕМИОЛОГИЯСИ  
ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ

*Бердирасулов Дилшод Кодирович*

*Самарканد давлат тиббиёт университети*

**Аннотация:** Уткир ичак инфекциялари (УИИ) – турли бактериал, вирусли ва паразитар патогенлар томонидан келтириб чиқариладиган кенг тарқалган қасалликлар гурухидир. Улар асосан оғиз-ичак йўли орқали юқади ва ич кетиш, қусиши, юқори ҳарорат ҳамда умумий заифлик каби клиник белгилари билан намоён бўлади. УИИнинг эпидемиологияси турли омилларга боғлиқ бўлиб, асосий юқиши йўллари орасида сув, озиқ-овқат маҳсулотлари, қўл гигиенасига риоя қиласлик ва контактли алоқалар муҳим роль ўйнайди. Инфекция манбаи кўпинча қасал инсон ёки бактерия ташувчи шахслар ҳисобланади. Профилактика чоралари орасида шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш, тоза ичимлик сувидан фойдаланиш, озиқ-овқат маҳсулотларини тўғри саклаш ва ишлов бериш, санитар-гигиеник нормаларга амал қилиш каби тадбирлар жуда муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, юқори хавф гуруҳларида эмлаш тадбирларини ўтказиш ва қасалликни эрта аниқлаш орқали унинг тарқалишини олдини олиш мумкин.

**Калитсуздар:** эпидемиология, профилактика, энтеровируслар, ротовирус инфекцияси, қўл ювиш маданияти, озиқ-овқат хафсизлиги, қасалланиш омиллари

EPIDEMIOLOGY AND PREVENTION OF ACUTE  
INTESTINAL INFECTIONS

Berdirasulov Dilshod Kodirovich

Samarkand State Medical University

**Annography:** Activities of acute intestinal infections (UII) are a common group that is caused by various bacterial, viral and parasitic pathogens. They are mainly transmitted by the conduct of the mouth and the epidemiology, such as diarrhea, vomiting, high temperatures and general weakness, and contact contacts plays an important role between the basic infections. The source of infection is often sick person or bacteria. Measures are very important among preventive measures, such as the rules of personal hygiene, use clean drinking water, maintenance and processing of food products, follow sanitary-hygienic norms. It can also be prevented by its spread by conducting vaccination events in high risk groups and early detection of the disease.

**Keywords:** epovidus, entity washing, rotavirus infection, gray washing, nutritional safety, illness factors

## КИРИШ

Ўткир ичак касаллигининг бошида меъда-ичак йўли функциясининг бузилиши ҳамма вақт ҳам дарҳол намоён бўлмайди. Беморларда кўпинча юқори нафас йўлларининг яллиғланиши кузатилиб, бу бактериал вирусли инфекциянинг аралашиб кетиши оқибатида рўй беради. Шартли патоген бактериялар қўзғатган ўткир ичак касалликларининг субтоксик ва токсик турлари, шунингдек енгил ва сурункасига давом зтадиган турлари билан оғриган bemорларнинг ҳаммасида меъда-ичак фаолияти бузилади, улар қайт қилади. У одатда касалланишнинг биринчи соатларида ич кетиши билан бирга, камдан-кам ундан олдин рўй беради. Касалликнинг оғир-енгиллигига қараб қайт қилиш ё тўхтайди (енгил турларида 2—3-куни) ёки орадан қисқа муддат ўтгач bemор яна қайт қила бошлайди (ўртача оғир турида вақт-вақти билан), ёхуд оғир токсик турларида бир исча марта кўп қайт қилади (суткасига 10 мартадан кўп). Bемор тез-тез ўқчийверганидан безовтляна бошлайди. Касалликка динамик ичак тутилиши белгилари қўшилганда қусиш bemорни жуда ҳам қийнаб юборади. Бундай ҳолларда кусук массасида ейилган овқат, шилимшиқ ва ахлатни эслатадиган моддалар бўлади. Касаллик жуда оғир кечганда bemор «кофс қуйқуми»га ўхшаган парса қусиши, меъдадан қон оқиши мумкии. Ўткир ичак касалликларида куиига 4—6 дан 30—40 мартагача ич кетиши мумкин. Касаллик енгил кечганда ахлат бўтқасимон ва озроқ миқдорда шилимшиқ аралашган бўлади. Ўткир ичак касаллигининг оғир турларида ахлат олдин сал суюқ, таркиби ҳар хил, шилимшиқ аралашган ва кўм-кўк бўлади. Касаллик авж олган сари bemорнинг ичи сувдек шириллаб кетади, сариқ ёки қўнғир рангли бўлиб қолади. Ахлат массаси билан бирга жуда кўп миқдорда сал ранги бор сув ҳам бўлади. Bеморнинг ахволи яхшилана бориши билан ва анчагина миқдорда ёғ борлиги сабабли ахлат массаси бир оз қотади, ёпишқоқ ва орасида дағал нарсалар бўлади. Ўткир ичак касалликлари 75% ҳолларда иситма билан кечади, иситма баъзи ҳолларда касалликнинг биринчи куниёқ, бошқа ҳолларда эса анча кейин аниқланади. Ҳароратнинг рўйирост намоён бўлиши, қанча давом этиши ва табиати касалликнинг оғир-енгиллиги ва турига боғлиқ.

ЎЮИК ларнинг этиологик ечими катта аҳамиятга эга, этиологик диагноз қўйиш учун қимматбаҳо текширув анжомлари кераклидир. Шуни билиш лозимки этиологик ечимлар учун фақат 3 кундан ёки ундан ҳам қўпроқ кун керак бўлади. Бунда клиник аҳамияти керак бўлмай қолади. Шу этиологик ечимлар эпидемиологияси аҳамиятига эга бўлади. Касалланган bemор 1 кун ташқи муҳитга заарлиги, шундан ташқари этиологик диагноз кераклиги санитар-профилактик ишларини олиб боришга ва жадал хабар беришга мувофиқдир. БЖССТ нинг практик нуқтаи назардан диареяларни фарқлаш учун этиологик ечими катта аҳамиятга эга, масалан клиник дизентерияни

диареялардан фарқлаш катта ахамиятга эга. Ўткир ичак инфекциялари клиник таснифи ва ташхис асосларига кўра диарея белгилари билан кечадиган касалликлар икки гурухга - юқумли ва юқумли бўлмаган гуруҳларга бўлинади, Даволовчи шифокорлар биринчи ўринда уларни бир-биридан фарқлай билишлари катта ахамиятга эга.

**Ўткир гастрит белгилари.** Касаллик ўткир бошланиб эпигастрал соҳада оғриқ кузатилади. Оғриққа қўшилиб кўнгил айниш ва қайт қилиш бўлади. Қайт қилгандан сўнг bemor аҳволи бироз енгиллашади, оғир ҳолларда қайт қилиш ҳар бир суюқлиқ ичгандан сўнг қучаяди. Беморни пальпация қилиб қўрилганда эпигастрал соҳада оғриқ кучли бўлади, қорин мушаклари таранглашиши мумкин. Бундай ҳолларда ошқозон ости бези касалликлари ўткир панкреатит ва ошқозон ости бези некрозини инкор этиш керак бўлади.

**Ўткир энтерит белгилари.** Касаллик қоринда қулдурашлар ва перистальтиканинг кучайиши билан намоён бўлади. Қулдурашлар бир неча масофадан этитилиши мумкин. Қоринда киндик соҳасида ёки ҳамма ерда кучсиз оғриқ, ичнинг суюқ, кўп миқдорда кетиши, ич келишидан олдин қоринда ёқимсиз оғриқ сезилади. Нажасида ҳазм бўлмаган овқат бўлакчалари бўлади, Бу ингичка ичакда ферментлар фаолияти бузулганлигидан далолат беради. Нажас ранги тиник, тилларанг-сариқ ёки кўкимтирип бўлиши мумкин, бу ичак перистальтикасининг кучайганлигига ва ўзгармай қолган ўт кислоталарининг миқдорига боғлиқ бўлади. Оғир кечган энтеритларда нажас характери лойқароқ, оқимтирип ялтироқ куйқалар ва ноаниқ шаклли доначалар борлиги билан фарқланади. Агар нажасни бирорта идишга қўйиб қўйилса чўқмалар хосил бўлади. Қорин пальпация қилинганда қулдираш, ингичка ва йуғон ичаклар бўйлаб товуш эшитилади, ингичка ичакда инфильтрация бўлмайди. Энтерит синдроми билан кечадиган касалликларга (вабо, сальмонеллез, эшерихиоз ва бошқалар) кўпроқ, сувсизланш белгилари хосдир.

## ХУЛОСА

Уткир ичак инфекциялари – турли вируслар, бактериялар ва паразитлар орқали юқадиган касалликлар бўлиб, улар асосан овқат, сув ва фекал-орал йўл орқали тарқалади. Ушбу касалликлар жамоат саломатлиги учун жиддий хавф туғдириб, айниқса болалар, кексалар ва иммунитети пасайган шахсларда оғир кечиши мумкин. Эпидемиология нуқтайи назаридан, ичак инфекциялари кўпроқ санитар-гигиеник шароитлар ёмон бўлган ҳудудларда кенг тарқалади. Улар мавсумий хусусиятга эга бўлиб, асосан ёз ва куз фаслларида кўп учрайди. Профилактика чоралари инфекциянинг тарқалишини олдини олишда муҳим ахамиятга эга. Уларга шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш, озиқ-овқат ва ичимлик сувининг тозалигини таъминлаш, вакцинация (айниқса, ротавирус инфекциясига қарши), санитария-гигиена талабларига амал қилиш ва

аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи ҳақидаги маълумотларни тарғиб қилиш киради. Шунингдек, эпидемиологик назоратни кучайтириш, тезкор ташхис ва касалликни эрта аниқлаш орқали инфекциянинг оммавий тарқалишига қарши самарали чоралар кўриш мумкин.

**Фойдаланилган адаъиётлар:**

1. Qodirovich B. D. et al. VIRUSLI GEPATIT A NING OLDINI OLISH VA EPIDEMIOLOGIYASI //TADQIQOTLAR. UZ. – 2024. – Т. 33. – №. 1. – С. 94-97.
2. Usmonovna V. M., Qodirovich B. D. SCIENTIFIC ANALYSIS OF VIOLENT INFECTIOUS DISEASES AND THEIR CONTROL //EUROPEAN JOURNAL OF MODERN MEDICINE AND PRACTICE. – 2023. – Т. 3. – №. 9. – С. 149-153.
3. Muhamadievich N. A., Kodirvich B. D. Patriotic Education as one of the Components Of National Security. Eurasian Scientific Herald 6, 88-90. – 2022.
4. Кодирович Б. Д. Олий ва ўрта маҳсус таълим муассасаларида ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини такоминлаштириш //Педагогика ва психологияда инновациялар. – 2020. – Т. 5. – С. 102-107.